

Journal of Social Research in Uzbekistan**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>

**TRADITIONAL AND MODERN SETTLEMENTS OF ARABS LIVING IN CENTRAL ASIA**

Sherzod Abduganievich Iskandarov

doctor of philosophy (PhD) in history, associate professor
 Tashkent Medical Academy
 Tashkent, Uzbekistan
 E-mail: Iskandarov54@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Central Asia, Arabs, settlement, traditional settlements, modern settlements. **Abstract:** This article analyzes and discusses the topic of traditional and modern settlements of Arabs living in Central Asia.

Received: 03.05.24

Accepted: 05.05.24

Published: 07.05.24

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯШОВЧИ АРАБЛАРНИНГ АНЬАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТУРАР ЖОЙЛАРИ

Шерзод Абдуганиевич Исандаров

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
 Тошкент тиббийёт академияси
 Тошкент, Ўзбекистон
 E-mail: Iskandarov54@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Марказий Осиё, араблар, турар жой, анъанавий турар жойлар, замонавий турар жойлар.

Аннотация: Ушбу мақолада Марказий Осиёда яшовчи арабларнинг анъанавий ва замонавий турар жойлари мавзуси таҳлил ва муҳокама қилинган.

ТРАДИЦИОННЫЕ И СОВРЕМЕННЫЕ ПОСЕЛЕНИЯ АРАБОВ, ПРОЖИВАЮЩИХ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Шерзод Абдуганьевич Исандаров

доктор философских наук (PhD) по истории, доцент
 Ташкентская медицинская академия
 Ташкент, Узбекистан
 E-mail: Iskandarov54@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Средняя Азия, арабы, расселение, традиционные поселения, современные поселения. **Аннотация:** В данной статье анализируется и рассматривается тема традиционных и современных поселений арабов, проживающих в Центральной Азии.

КИРИШ

XX аср бутун инсоният тарихида ўзгаришлари даври бўлди. Нафакат инсоният тарихида балки, техника технология, ривожланиши натижасида глобалашув жараёнида муносиб ўрин эгаллади. Марказий Осиёда информацион - коммуникация ва глобал ўзгаришлар даври юз берди. XXI асрининг бошларида ҳар бир ҳалқи ўзига хос этномаданий хусусиятларида ва миллий қадриятларини сақлаб қолишига эътирбор қаратди. Айниқса бу борада Марказий Осиёда яшовчи турли диаспоралар ҳам ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаб қолиш борасида ҳам қатор амалий ишлар амалга оширилди. Бу борада алоҳида араб диаспорасининг миллий анъаналари, моддий маданияти билан боғлиқ жиҳатларни ўрганиш ҳам долзарб аҳамиятга моликдир.

Анъанавий тураг жойлар тўғрисида бир қатор олимлар ўзи ишлар кўрсатиб ўтишди. В. Л. Воронина, А. Н. Жилина, Б. Х. Кармышева, А. Маҳкамов, Е. Е. Неразик, К. Ш. Шониёзов, Ҳ. Исмоилов, А. Уроловларнинг асарларида мавжуд. Юқорида келтирилган олимларининг илмий тадқиқот ишларида, Марказий Осиё ҳалқларининг тураг-жойларга доир масалани ёритишган.

АСОСИЙ ҚИСМ

XX асрнинг 20-йиллари бошида Самарқанд араблари ҳаётини ўрган М. С. Андреев ўзи раҳбарлик қилган илмий экспедиция хулосаларига кўра қуйидагиларни ёзди: «Араблар ўз қўшниларидан тил билан бирга кийим-кечак, уй-жой қуриш анъаналари, умуман, турмуштарзини ўзлаштирганлар».

Фаргона водийсининг араблар яшайдиган ва меҳнат қиласиган саккиз жамоа хўжалигидан олтитасида ўтказган тадқиқотларимиз, натижаси шуни кўрсатадики, деб ёзди Я. Р. Винников – ҳақиқатда араблар ўзбек тили билан бир қаторда, ўз қўшнилари бўлган ўзбеклардан хўжалик тутиш шаклини, турмуш шароитини, уй-жой тарзини, либос кийишни хуллас, моддий ва маънавий унсурлардан аксариятини қабул қилганлар. Бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмасди. Чунки, бир этник гурухнинг аниқ, худудда, аҳолига нисбатан ривожланган миллий гурухлари, бу ерда ўзбек ҳалқи ўртасида яшashi, арабларнинг иқтисодиётида, урф-одатларида, руҳий такомилида ўз таъсирини кўрсатмай, моддий ва маънавий хаётида акс этмай қолмасди.

1924 йилдан бошлаб давлат янги уй-жойлар қурилишига маблағлар ажратса бошлади. 30 - йилларда уй тураг жойлар муаммоси жадал саноат қурилиши туфайли янада чукурлашди.

Шаҳарларига аҳолининг оммавий равища оқиб келиши жараёнида бир одамга мўлжалланган уй - жой майдоннинг ўртача ҳажми шиддат билан қисқариб борди. 1928 - 1929 йилдаги 4, 47 кв. м. дан 1939 йилда 2 кв. м. га тушиб қолди.

XX - асрининг 70 йиллардан бошлаб замонавий уйларнинг қурилиш даври ғишт, ганч, ҳамда замонавий уйларни қурилишдаги ўзгариш 2 қаватли, уйлар тепа қисми шфир ёки чирпитса қилинган. Айрим бойларнинг уйда болахонали уйларининг қурилиш кенгроқ тарқалди. Болахона деб аташган ун ҳар хил мақсад айримлар “меҳмонхона”, учун ишлатишган айримлар дам олиш учун мослаштиришган. Араб турмуш - тарзида ўзига хос локал хусусиятда турар жойларда ҳам ўзгаришлар юз берди. Аҳолининг 90% и бугунги кунга келиб меҳмонлар учун алоҳида дарвозаҳонадан кириш билан меҳмонлар учун алоҳида хоналар қилиш яхши бир анъанага айланиб улгурди.

XX - аср бошларида Фаргона водийси ўзбеклари анъанавий турар жойлари “ичкари” ҳамда “ташқари” ҳовлиларга бўлинган. Кўплаб тадқиқотларда бу жиҳати аёлларни номаҳрам кишиларнинг назаридан четда бўлишини таъминлашга қаратилган исломий қарап билан боғлиқ деб таъкидлайди. XX асрнинг 60 – йилларга қадар ер дўлада яшаб келган. Арабларининг анъанавий ва замонавий уйларининг қурилиши хўржин том, капа, ўтов (қора) уйларда 1944 йилларгача яшанган. Арабларнинг ёзги ва қишиги яшайдиган уйлар бўлмаган. Сабаб араб халқи қадимги даврдан бадавий ва сахрой яъний кўчиб юрувчи халқ ҳисобланади.

Марказий Осиёда яшовчи араб диаспораси уйларининг қурилиши ўзига хос бўлиб, локал миллий хусусиятга эгадир. Янги уйга кўчиб ўтиш маросимида худой қилиб беришган қуриб етказгунча қўй, товук сўйиб қон чиқариб ис чиқарилган. Бойсун туман Равот кишлоғида теракдан таёrlанган болларни охирги пахсани тепа қисмiga чиқарishган. Шу ерга жонлиқни олиб чиқиб унинг тепа қисмдан сўйишишган, бу каби одамлар айрим жойларда ўтказилган. “Қон чиқариш” маросим уйнинг 4,5 пахсаларида қон оқзилмайди. Аксинча уй қурилишнинг бошланишидан бошлаб бир мол сўйилади. Чунки шу уйнинг қурилиш жараёнида усталарига таом таёrlаб берилган.

Одамларнинг уй тепа қисмга рамзий белги сифатида кўз, шох, илиб қўйилган. Мақсад инсу жинсидан сақлаш учун усталарга мол суйиб чапон, белбоғ ёки биттадан кўйлак беришган.

Араб халқи ўзига хос миллий локал хусусият билан Марказий Осиё халқларининг маданиятига уйғунлашиб кетди. Россия империяси босқиндан кейин ўзига хос иноэтник янги маданияти шаклланди. 1960 йиллардан бошлаб шаҳар ва қишлоқларда янгича уйлар қурила бошланди. 1985 йиллардан бошлаб қишлоғимизга янгича анъанавий уйлар яъний ганчдан қилинган уйлар қурилди. XX асрнинг 60 - йиллардан пол, патолок, шфирли уйларнинг қуриш

натижасида анъанавийликдан воз кечиб, замонавий бинолар буён этилди. Рус халқининг кириб келиш миллий безак ганч сънатни унитилишига олиб келди.

Араб халқининг кўчманчи бўлганлиги учун уйларининг қурилишда лойдан фойдаланиб гумбаз шаклдаги силиндирили уйларнинг қурилиши кенгроқ тарқалди. Чўлда истеъқомат килиб келаётган, Арабларнинг уйларни қурилиши бироз бошқачароқ бўлиб, уларини асосий хом аёшси лойдан гумбазли қилиб қад кўтаришган. Чўлларга борсангиз “чўл гумбаз”, “тойбон”, гумаз қилинган. .

Марказий Осиёга ғиштили ва ганчли уйлар урушдан кейинги даврларда кириб келди. Жумладан рус, белорус ва бошқа давлатларни таъсири кучли бўлиб, араб миллий маданиятининг йўқолиш ҳамда замонавий туар жойларининг қурилиш халқ ўртасида оммалашиб кетди.

Араб халқининг уй қурилиш ўзига хос локал муҳим жиҳати билан ажралиб туради. Марказий Осиёга келиш ўтроқлаши шароитига қараб қора уйлардан воз кечиб замонавий уйларни қурилиши оммалашиб араб халқининг турмуш-тарзи, маданиятига, совет тузими ўз таъсирни кўрсатди.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб араб халқи турмуш-тарзи қуёв ва келин учун алоҳида бир уй қуриш анъанага айланиб улгурди. Ҳозирги кунда эса уйларини қурилиши икки ёки учхонали уйлар қурилмоқда. Ахборотчимизни таъкидлашича, 1970 йилларгача туар жойларимизда ўзига хос локал хусусияти билан бошқа халқларидан ажралиб туради. Аммо илмий тадқиқотлармиз шуни кўрсатмоқдаги, араб диаспораси турмуш-тарзида янги бир ўзига хос иноэтник маданияти кириб келди.

Тадқиқотчилармиз даврида уларни туар жойлар тўғрисида маълумотлар таҳлил этади. XX асрда бизни одамлар чодир қилиб яшаб келишган. Кейинчалик эса улар чодир уйларини воз кечиб келишган. Кейинчалик қора уйларда истиқомат қилиб келишган. Унинг таъкидлашича, уйлари кириб келиши этномаданий ўзликни англашдаги асосий жараёнлардан бири ҳисобланади. Гувалали уйлар бўлиб паст томлар пайдо бўла бошлади. Бугунги кунда бизни қишлоқда уйларга ирим қилиш анъаналар мавжуд эмасдир. Респондентларни таъкидлашича, кўз тиккан қўйишади.

Гумхона деган қишлоқда 50-60 хонадондан иборат оилаларни советлар томонидан кўчириб келишди, улар Чечин миллатга мансуб кишилар эди. Уларнинг кўчириб келиш натижасида Арсланбоб қишлоғининг уй қурилишга ҳам ўз таъсирни кўрсатди. Уйларнинг қурилишида чекинларга хос миллий маданиятини шаклланишида ўзига хос хусусиятлар ўзгаришларга олиб келди.

Бизда жонлик сўйиб уйга оқзилмайди. Янги уйларга бирор нарса илинмайди.

Олдинлар уйларнинг қурилиши, каппа бўлиб, кейинчалик эса сомондан, қамишдан қурилди, XX асрларда қамишдан уй ясаб шу ерларда яшаган, қозоқлар юргита ўхшаш бўлган.

Уста ишлаш жараёнида, 5 пахса бўлгандан кейин қўй, товуқми қонини чиқариб деворни ёнбошига оқизилади, янги уйни қурилганлик белгиси сифатида исриқ (исфант) хештаболарни, ҳамсояларни чақиради.

XX асрнинг 30-50 йилларидан араб халқининг турмуш-тарзида туб ўзгаришлар даври бўлиб, аҳоли ёппасига уйлар қура бошлаган. Замонавий уйни биринчи бўлиб, маҳаллий аҳолини ўқитишга келган ўқитувчилар қўришган. 1950 йилда мен ўзим “итарқа”, том қурганман. “Бобоки”, том бўлиб, улар “бовоку”, том ҳам деб аталган.

Араб халқи анъанавий ва замонавий турар-жойларнинг қурилиши ҳакида 1968 йилларгача хуржун томда яшаган. 1968 йилдан кейин биз шу Қизириқ туман Учрашув қишлоғига кўчиб келган. 1972 йил давлат томонидан уйлар қурила бошланди. 1979 йил бизни қишлоғимизнинг уй қурилишга кенгроқ имконияти яратилиб, замонавий бетонли уйлар ғиштдан қурилган.

Марказий Осиё Республикаларида аква уйларининг қурилишда кенг кўламда бу каби уйларни бунё бўлиши араб миллий маданиятига ўз таъсирини кўрсатди.

Тадқиқотлармиз шуни кўрсатки, араблар жойлашган қишлоқларда 1950 йилларгача ўтов уйларда яшаб келган. Совет даврнинг сўнгги йилларда турар жойларда иноэтник жиҳатларини таъсир кузатилади.

XX асрининг иккинчи яримдан 1958-59-60 йилларгача қишлоқдаги турар жойларга шифирли, патолокли ҳамда бошқа хом аёшларнинг кириб келиши жараёни тезлашди. Ўзбекистон Тожикистон, Қирғизистонда олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида араб халқининг анъанавий ўзига хос иноэтник локал миллий хусусиятилар фарқ бир-биридан туб фарқ қилмайди.

XX аср бошларидаги ижтимоий - иқтисодий ўзгаришлар воҳа аҳолиси анъанавий турар жойларининг ўзига хос анъанавий ва замонавий жараёни тезлашишига олиб келди. Трансформацион жараёнилар кўпроқ аҳоли бадавлат қатламининг турар жойларида ўз аксини топган. Воҳада истиқомат қилиб келаётган араб халқининг этник компонетлардаги жойлаш ўрнида ўтроқлаш жараёни бошлади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаши лозимки, Марказий Осиё арабларнинг ўзига хос локал турар-жойларнинг бошқа халқининг турмуш-тарзидан бироз фарқ қиласи. XX асрга келиб турар жойларининг аксарияти бошқа Марказий Осиё халқларининг уй қурилишида қадимий анъаналарга асосланган ҳолда табиий иқлимини ҳисобга олиб, аҳоли ўзининг моддий, маънавий мавқеига қараб, қурган. Замонавий уйлар кўпроқ аҳоли бадавлат қатламининг турар

жойларида ўз аксини топди. Аҳолининг турар жойлари қурилишидаги ўзгаришлар жараёнида хом ғишт, пол, патолок ва шу кабилар асосида замонавий уйлар кенг тарқалди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Андреев М. С. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область в 1921 году. – Ташкент, 1921. – С. 128.
2. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 250.
3. Ўз. Рес. МДА фонд 2888 рўйхат-1 йигма жлид вароқ. 14-28.
4. Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи. 05. 07. 2011. йил.
5. Хўжахонов И. М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси анъанавий турар жойларининг этноҳудудий хусусиятлари (XIX - аср охири XX - аср бошлари). Тарих фанлари номзоди илмий дарражасини олиш ёзилган диссертация қўлёзмаси. Т., 2007. Б-87.
6. Дала ёзувлари Сурхандарё вилояти Денов тумани Юрчи қишлоғи. 2011. йил.
7. Дала ёзувлари Сурхандарё вилояти Бойсун тумани Работ қишлоғи. 2011. йил.
8. Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти Косон тумани Пўлати қишлоғи. 2011. йил.
9. Дала ёзувлари Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Катта арабхона қишлоғи. 2023. йил.
10. Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Аравон тумани Тепақўрғон қишлоғи. 2023. йил.
11. Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Бозорқўрғон тумани Арсланбоб қишлоғи. 2023. йил.
12. Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти Шартуз тумани Айважд қишлоғи. 2023 йил.
13. Дала ёзувлари Сурхандарё вилояти Жарқўрғон тумани Кақайди қишлоғи 2011. йил.